Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
“Фалсафа ва мантиқ” кафедраси
ЎзМУ қошидаги “Фалсафа” илмий маркази

# “ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ”

**мавзуидаги ўтказиладиган республика илмий-амалий конференцияси**



2018 йил 3-май

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 100 йиллик юбилейига бағишланади**

**Тошкент 2018**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**
**“ФАЛСАФА ВА МАНТИҚ” КАФЕДРАСИ**
**ЎЗМУ ҚОШИДАГИ “ФАЛСАФА” ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

# “ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ”

**мавзуидаги**

**Республика илмий-амалий конференцияси материаллари**

**2018 йил 3 май**

**Тошкент – 2018**

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Анартаев Б. | И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА СОВРЕМЕННОСТЬ | |
| 51. | ШариповМ. | ФАН КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИ | 142 |
| 52. | Хўжакулова М. | АБУ НАСР ФОРОБИЙ МЕРОСИДА ИНСОН ТАБИАТИ ВА БИЛИШ ЭРКИНЛИГИ | 144 |
| **IV. ШЎЪБА ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФАСИ КОМПАРАТИВИСТИКАСИ.** | | | |
| 53. | Allanazarov M .X. | SHARQ VA G'ARB ZAMONAVIY FALSAFIY ILOHIYOTSHUNOSLIGINING DOLZARB MUAMMOLARI (ALLOMA TABOTABOIY TALQINIDA) | 147 |
| 54. | Икрамова И. Р. | ЛОТИН АВЕРРОИЗМИ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ | 150 |
| 55. | Асатуллоев И. А. | ЭРИХ ФРОММ ФАЛСАФАСИ ШАКЛЛАНИШИГА ФРЕЙДИЗМНИНГ ТАЪСИРИ | 151 |
| 56. | Эшонкулова Д.А. | ИЛК ЎРТА АСР МУСУЛМОН ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАСАЛАСИ | 153 |
| 57. | Бурнаев Ш.Н. | ВОСПИТАНИЕ ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЙ ЛИЧНОСТИ | 156 |
| 58. | Иззетова Э.М. Исроилов У.О. | КУЛЬТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ЯПОНИИ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ – ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ | 159 |
| 59. | Кабулниязова Г.Т | “МАТЕРИЯ” ВА “ХОТИРА” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ | 162 |
| 60. | Кадиров М.Б. | ҒАРБ ВА ШАРҚ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ | 164 |
| 61. | Р.Р. Каримов Мансуров У.У. | КОНЦЕПЦИЯ ВАХДАТ АЛЬ-ВУДЖУД В УЧЕНИИ ИБН-АРАБИ | 166 |
| 62. | Кўйлиев Б.Т | ОРИЕНТАЛИЗМ ТАРИХИ | 168 |
| 63. | Matasaliyev M. M. | SARVAPALI RADHAKRISHNANNING DINIY-FALSAFIY TA'LIMOTLARI | 170 |
| 64. | Мирзажонова С. А. | ЭПИКУР АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА ГЕДОНИЗМНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ | 173 |
| 65. | Рузматова Г.М. | АФЛОТУН ВА ШАРҚ ФАЛСАФАСИ КОМПАРАТИВИСТИКАСИ | 175 |
| 66. | Садуллаев С.С. | АРТУР ШОПЕНГАУЭР ФАЛСАФАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ИЛДИЗЛАРИ | 177 |
| 67. | Саидова К.У. | ИНФОРМАЦИОННАЯ ТЕОРИЯ ЭТНОСА И ВИРТУАЛЬНЫЕ ПОЛЮСА РОСТА | 181 |
| 68. | Саитмуродов Ж. Б. | ФИЛОСОФИЯ ИСТОРИИ ГЕГЕЛЯ | 183 |
| 69. | Салимов Б. Л. Халилов А.Ф. | “ИСЛОМ” ДИНИДА ТАСОДИФ ҲОДИСАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ | 185 |
| 70. | Тошов Х.И. | ГЕРМЕТИЗМ НАЗАРИЯСИ ВА УНГА ДОИР МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР | 187 |
| 71. | Хидиров М. Т. | ДУНЁНИНГ ЭЗОТЕРИК МАНЗАРАСИНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАР | 190 |
| 72. | Худайберганов Р.Х. – | ФОРОБИЙ ИЖОДИГА БИР НАЗАР | 192 |
| 73. | Шербобоев М. А. | КАРЛ ПОППЕРНИНГ БИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА ЁНДАШУВИ | 193 |
| 74. | Shakirova N. | UPANISHADLAR VA “AVESTO”DAGI ASOSIY AXLOQIY KATEGORIYA VA ULARNING QADRIYATIY MOHIYATI | 196 |
| **V. ШЎЪБА ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ-БАРКАМОЛ ТАРБИЯСИДА МАНТИҚ ВА ФАЛСАФАНИНГ ЎРНИ.** | | | |
| 75. | Абдуллаева С. | ДУНЁВИЙ ИЛМЛАР ВА ДИНИЙ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРНИНГ КОМИЛ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ | 200 |
| 76. | Авлакулов А. | ВИРТУАЛ ОЛАМ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ | 202 |
| 77. | Аҳмедова Д.Б. | ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ | 205 |





| | | | |
|---|---|---|---|
| 78. | Аминова Н. Аминова М. | ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА БАРКАМОЛ ИНСОН ҒОЯСИНИНГ ЎРНИ | 207 |
| 79. | Tuxtaev X.P. Boboqulov Said | MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI ADOLAT HAQIDA | 210 |
| 80. | Жалалова Г.О. | ЁШЛАРДАГИ КОГНИТИВЛИКНИНГ ЭПИСТЕМОЛОГИК МУАММОЛАРИ | 212 |
| 81. | Закирова Д.Т. | МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДА ШАХС КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ | 213 |
| 82. | Ишимов А. | ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЎРНИ | 215 |
| 83. | Yoqubova M. Qudratov S. | YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA MA'NAVIY QADRIYATLARNING O'RNI | 218 |
| 84. | Очилова Н.Р. | ЁШ АВЛОД ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ | 220 |
| 85. | Соипова М.А. | БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА | 223 |
| 86. | Tuxtaev X.P, Sa'dullaev Fayyoz | MILLIY TA'LIM TIZIMI RIVOJINING MA'NAVIY OMILLARI | 225 |
| 87. | Кўйлиев Т. Раҳмонбердиева Н. | ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ | 227 |
| 88. | Якубов Ф. | СПОРТ СИМВОЛЛАРИ ВА СПОРТЧИЛАР ТАФАККУРИ ДИАЛЕКТИКАСИ | 230 |
| 89. | Юлдашев Ф.А. | ЁШЛАР КЕЛАЖАГИ ВА КАМОЛОТИДА ФАЛСАФАНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ | 232 |
| 90. | Якубов Ф. | ЁШЛАРДА МАНТИҚИЙ ТАФАККУР УСЛУБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАРКАМОЛЛИК АСОСИ | 234 |
| 91. | Шоназаров Ж.Ш. | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИ ОНГИДА ТАФАККУР ЎЗГАРИШЛАРИ | 236 |
| 92. | Юсупова Н.Р. | “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” – МАЪНАВИЙ САВОДХОНЛИК КУШАНДАСИ | 239 |
| **VI. ШЎЪБА ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ИНТЕГРАЦИЯСИ** | | | |
| 93. | Юсупова Д.Д. | ЧОР МУСТАМЛАКАСИ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДАГИ МАКТАБЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ | 242 |
| 94. | Ахунова С, Ботиралиева Х. | “КЕЧА КИМ ЭДИГУ, БУГУН КИМ БЎЛДИК?” ШУКРОНАЛИК ҲИССИ | 244 |
| 95. | Yoqubova M. Boltaev A. | UZLUKSIZ TA'LIM JARAYONIDA YOSH AVLOD MA'NAVIY QIYOFASINING TAKOMILLASHISHI | 246 |
| 96. | Пардаев С. | ШРИ АУРАБИНДО ГХОШНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ | 248 |
| 97. | Раҳимджанова Д.С. | ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШДА АХЛОҚИЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ ЎРНИ | 250 |
| 98. | Tuxtaev X.P. Mallaboeva Zilola | SHAXS INTELEKTUAL SALOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA TANQIDIY TAFAKKURNING O'RNI | 253 |
| 99. | Усманов М. А. | ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ | 255 |
| 100. | Тухтаев Х.П. – Шайманов Ф. | ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК МАНФААТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ВАЗИФАЛАРИ | 257 |
| 101. | To'xtaev X. – Shukurova M. | FAN-TEXNIKA TARAQQIYOTI VA EKOLOGIK VAZIYATNING KESKINLASHUVI | 259 |
| 102. | Jurakulov J.K. | ONG VA ONGSIZLIKNING TARIXIY ILDIZLARI | 261 |
| 103. | Q.Yuldashev | AVTORITETLARNING XULOSA CHIQARISHDAGI O'RNI. | 263 |
| 104. | Элмуродов Ж.Ш. | ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ШАХС ЭРКИНЛИГИ | 266 |
| *103.* | Усманов А. Х. | *ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ИЖОДИДА ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ* | *268* |

borish, adolatning, haqiqatning ijtimoiy hayotda tantana qilishi to'g'risidagi gumanistik g'oyalar tarixiy taraqqiyotidadan iborat bo'lgan.

## ЁШЛАРДАГИ КОГНИТИВЛИКНИНГ ЭПИСТЕМОЛОГИК МУАММОЛАРИ

***Жалалова Г.О.** – УзМУ ОТ-Ф1-95 лойиҳа катта илмий ходими*

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"қабул қилинган Қонунининг мақсади республикамизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир[1]. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон капиталининг сифатини ошириш, жамиятимизда фаол, интеллектуал бой, когнитив хусусиятлари мукаммал ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур Қонун йўналишларида ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш каби вазифалар ҳам белгиланган. Бу масалаларнинг ижроси ўз навбатида мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодда когнитив хусусиятларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Шу ўринда инсон когнитивлиги масаласига тўхталиб ўтамиз. Кейинги йилларда ахборот технологияларининг инсон ҳаётига таъсири кучайиб бормоқда. Инсон когнитив(хотира, идрок, тафаккур, тушуниш, қарор қабул қилиш) жараёнларига, айниқса, ёшларнинг когнитивлигига қандай таъсир этишини тадқиқ этиш энг долзарб бўлган фанлараро муаммодир. Маълумки, когнитивлик шахснинг билиш жараёнидаги қобилияти бўлиб, у шахс интеллектуал имкониятларининг асосини ташкил этади.Янгиликларни идрок этиш ва уларни моддийлаштириш когнитив қобилият билан боғлиқликда содир бўлади. Когнитивликнинг асосий мазмунини янги билимларни ишлаб чиқара олиш ташкил этади. Когнитологик тафаккур билиш жараёнида далилланганлик, мантиқий асосланганлик, мустақил ва танқидий фикрлашга, яъни рефлексияга асосланади.

Шу сабабли бу муаммо бугунги кунда жуда кўплаб олимлар томонидан ўрганилмоқда. Масалан, Оксфорд университетидаги келажакдаги тафаккур институтида С.Гринфилд раҳбарлигида (Oxford University's Institute for the Future of the Mind)[2], шунингдек, Стенфорд университетининг инсон ва интерактив медиа коммуникацияси номли лабараториясида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республикамиздаги Фалсафа илмий марказида ҳам когнитивлик муаммосини ўрганишга дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Хўш нима учун инсон, ёшларнинг когнитив хусусиятларига эътибор ортиб бормоқда? Бунга сабаб ахборот технологияларининг инсон организми ва тафаккурга бўлган салбий таъсири ҳақидаги маълумотларнинг пайдо

[1] http://www.lex.uz/.
[2]The Institute for the Future of the Mind. – URL: http://www.futuremind.ox.ac.uk/



бўлишидир. Маълумотларга мурожат этадиган бўлсак, 1980 йилдан кейин таваллуд этган инсонларнинг психикасида шу йилгача туғилган инсонларга қараганда анча тафовутлар кузатилган. Уларнинг тили ҳам ўзгачароқ, Уларнинг жуда кўпчилиги 1 соатлик кўрсатувни охиригача кўра олмаслиги кузатилган. Шуниингдек, уларнинг кўпчилигида диққатни жамлай олмаслик учрайди ва бу ҳолат мазкур авлоднинг синдроми ҳисобланмоқда[1]. Бу ўз навбатида таълим тизимининг ҳам "рақамли авлод" талабига кўра ўзгартиришни кун талабига қўймоқда.

Шунингдек, бу авлодга ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга оид тренинглар ўтказиш ҳам зарурлиги олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, бундай когнитив ўзгаришларга сабаб биринчидан,бугунги кунда ахборот миқдорининг тобора кўпайиб бораётганлиги ва коммуникациядаги трансформациялардир[2]. Яъни гипертекстнинг пайдо бўлиши натижасида инсон ризома шаклидаги матн билан ишлашига тўғри келмоқда.

Иккинчи сабаб ахборот оқимининг кучайиб боришидир.Масалан, бир ой давомида инсон шунчалик ахборотни қайта ишлар эканки, XVIII асрда яшаган инсон бу ахборотни бутун умри давомида қайта ишлаган экан. Шунингдек, ахборотлар оқимининг ортиб бораётганлиги яна шунда кўринадики, фақат Facebook ижтимоий тармоғида бир ойда 30 млрд га яқин янги ахборот манбалари тақдим этилади. Интернет сайтларнинг миқдори ҳам ортиб бормоқда. Агар улар 2007 йилда 105 млн га яқин бўлган бўлса, 2013 йилнинг февралида уларнинг сони Netcraft компаниясининг маълумотларига кўра, 630 млн дан ортган. Маълумотлар ҳар икки йилда икки бараварга ортиб бормоқда ва бу ҳолат 2020 йилгача кузатилар экан. Бироқ олимларнинг фикрига кўра, мазкур маълумотлар оқимида фойдали ахборотлар миқдори 35% нигина ташкил этар экан, холос[3].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий ахборотлашган жамиятда инсоннинг фаоллиги, унинг билими асосий ресурс экан, когнитивлик муаммосини фалсафий тадқиқ этиш, ёшларимизнинг билиш жараёнидаги муаммоларини ўрганиш энг муҳим ва долзарб вазифадир.

## МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДА ШАХС КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

***Закирова Д.Т.** - ТИҚХММИ ўқитувчиси*

Маънавият ва маърифат ҳар қандай давлат тараққиётида жуда муҳим ўрин тутади. Халқининг маънавияти ва маърифати етук бўлган мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи ҳам шунга яраша юксак бўлади. Шунингдек, маънавият инсоннинг ўзлигини англашга, замон билан ҳамнафас бўлиб

[1]Эрнст К. Когда говорят, что интернет убьет телевидение, это глупость // Коммерсантъ. – № 192. – 2011. – 13 октября. – Режим доступа: http://www.kommersant.ru/doc/1793394
[2] Лысак И.В., Белов Д.П. Влияние информационно-коммуникационных технологий на особенности когнитивных процессов // Известия ЮФУ. Технические науки. 2013. № 5. -С. 256–264.
[3]Постолатий В. BigData шагает по планете // Российская бизнес-газета: Инновации. №. 896. 2013. 14 мая: http://www.rg.ru/2013/05/14/infa-site.html

яшашга ўргатади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Авваламбор, ён-атрофга очиқ кўз билан қараб хулоса чиқариш, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш, керак бўлса, ҳақиқатдан доим руҳланиб яшаш зарур. Ҳақиқатни қидириш ва ҳақиқатдан куч олиб яшаш керак. Фақат ўз куч ва салоҳиятига таяниб, ўзлигини англаб, бошини баланд кўтариб яшайдиган халқни дунё аҳли ҳурмат қилади»[1].

Асли арабча сўздан келиб чиққан ва маънолар мажмуи деган мазмунни англатадиган маънавият тушунчасига битта эмас, балки бир нечта таърифларни келтириш мумкин. Шундай бўлиши табиий ҳол. Нега деганда, у ҳақиқатдан ҳам маънолар мажмуасини англатади.

Маънавиятга берилган таърифларнинг барчасида ҳам маънавият ўзига хос тарзда ифодаланган бўлиб, уларнинг бирортасини нотўғри деб ҳисоблаш ёки уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ноўрин. Такрор бўлсада шуни айтмоқчимизки, маънавиятга нисбатан юзлаб таърифларнинг бўлиши табиий ҳол. Фикримизча, маънавият - бу ҳар бир инсонга хос бўлган хусусият бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ички руҳий кечинмаларидир. Маънавият - бу ҳар бир инсоннинг ички ҳис - туйғусининг бойлигидир.

Албатта, жамият жуда кенг тушунча, у бутун мамлакатни ўз ичига олади. Лекин, инсон ва жамият орасида яна бир қанча маънавий муҳитлар ёки маънавий алоқалар мавжуд бўлиб, улар ҳам кишиларнинг маънавиятини юксалишида ўзига хос ўринга эга. Буларгааввало, оила, маҳалла, мактаб, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, турли хил ташкилотлар, корхоналар, идоралар киради. Бундай таркибий жамиятларнинг сони жуда кўп бўлиб, улардаги маънавий муҳит даражаси ҳам ранг - барангдир. Шундай экан, жамият маънавиятига берадиган баҳомиз нисбатан умумий тарзда берилган ҳисобланади. Бу фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, маънавиятни юксалтириш учун тор доирада эмас, балки кенг миқёсда ҳаракат қилиш керак.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг ташкил этилиши, маънавият соҳасида олиб борилган изланишлар ва шу тадқиқотлар натижасида нашрдан чиққан китоблар, ўқув юртларида маънавият дарсларини ташкил этилиши каби хайрли ишлар шулар жумласидандир.

Бироқ, юқорида баён этилган мулоҳазалар зинҳор маънавият соҳасида ҳамма ишлар қилинган деган охирги хулосани келтириб чиқармаслиги керак. "Бугунги кунда инсон, давлат ва жамият ҳаётида энг катта зиён етказадиган нарса бу – сохта ва ёлғон информация. Бу одамларни йўлдан уришнинг энг хавфли усули. Айниқса, ёшларни чағитиш, керак бўлса, оёғини ердан узиб,

[1]Каримов И. "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. – Тошкент, "Ўзбекистон", 2015. - 257 б.



турли чўпчак ва афсона гапларни уларнинг онгига қуйишда бу усул кенг қўлланмоқда"[1].

Ўзбекистон халқининг маънавиятини юксалтириш учун қандай зарурий тадбирларни амалга оширишимиз керак? Келгусида халқимиз онги шуурида, руҳиятида қандай ижобий ёки салбий ўзгаришлар бўлиши мумкин ва бу ўзгаришлар, айникса, салбий ўзгаришлар қандай келиб чиқади ва уларни олдини олиш учун нималар қилишимиз керак? Шак-шубҳасиз буларни билишимизда бизга Ислом Каримов асарларини ўрганишнинг катта ёрдами тегади. "Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни яеада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир"[2].

Бу хатарлар ҳақида шунчаки маълумотга эга бўлиш, уларга шунчаки баҳо бериш билан барқарорликни сақлаб бўлмайди. "Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият аъзолари онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзлаган мақсадга эриша олмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз"[3]. Хўш, унда қандай йўл тутмоқ керак?! Бу саволга қуйидаги фикрларни тўғри жавоб сифатида келтириш мумкин: «Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган таҳдидларга тегишли муносабатларда бўла олишнинг ўзигина етарли эмас. Мавжуд хавф - хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини вақтида аниклашимиз даркор. Жамиятда барқарорликни сақлаш шарт - шароитларини белгилаб олишимиз ва улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва собитқадамлик билан ривожланиши шуларга боғлиқдир»[4].

## ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ЎРНИ

***Ишимов А.** -ТИҚХММИ ўқитувчиси*

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, хусусан, дунёнинг айрим минтақаларида

[1]Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2015. 251-бет.
[2] Каримов И. "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. – Тошкент, "Ўзбекистон", 2015. 267-бет.
[3] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008. – 129 бет
[4] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, Ўзбекистон, 1997. – 1 бет